O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 9-noyabr • Seshanba • 130 (31.250) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиёт ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда ривожланиши таъминланди: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, истеъмол товарлари 12 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,8 фоиз, қурилиш ишлари 9 фоиз, чакана савдо 12,2 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 4,2 фоизни ташкил қилди ва прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самарасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,1 фоиз, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга оид кўрилган чора-тадбирлар маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоиз ошириш, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосини 3,6 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда таъминлаш имконини берди.

2010 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,3
Саноат маҳсулотлари	108,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,8
Қурилиш ишлари	109
Чакана савдо айланмаси	112,2
Пуллик хизматлар	110,3

→2

Эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

Марказий ҳарбий округда ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган замонавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилди

■ Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари изчил амалга оширилаётир.

Юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий талабларга мос турар-жой бинолари қурилиб, ҳарбий оилалар ихтиёрига топширилаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Марказий ҳарбий округда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янги уйларнинг калитлари топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий армиямизни ислоҳ қилиш жараёнида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу эса юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мустақиллигимизни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бизга мана шундай имкониятларни яратиб бераётган Президентимиздан беҳад миннатдормиз, — дейди капитан Фарҳод Қўзибоев. — Турмуш ўртоғим Марҳабохон ҳарбий қисм шифохонасида ҳамшира бўлиб хизмат қилади. Биз фарзандимиз билан икки хонали шинам уйга кўчиб ўтдик. Бу ғамхўрликка жавобан юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва қатъийлик зарур →2

Осиё ўйинларини ғалаба билан бошладик →4

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича **784,9 минг** *янги иш ўрни яратилди. Касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан* **186,8 минг**, *жумладан, корхоналар билан кооперация асосида* **63,1 минг**, *пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида* **123,7 минг** *иш ўрни яратилди. Меҳнат бозорида амалга оширилган фаол чора-тадбирлар самарасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қўшимча* **2,7 фоиз**га *ошди ва* **11,6 миллион** *нафардан ортиқ кишини ташкил қилди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш* **(106,5 фоиз)**, *уй-жой коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш* **(105,4 фоиз)**, *транспорт ва алоқа* **(104,8 фоиз)**, *савдо ва умумий овқатланиш* **(104,8 фоиз)** *соҳаларида кузатилмоқда.*



Чемпионатнинг кумуш медаллари ва «Энг яхши футболчи» соврини бизда!..

4-бет

■ Зарафшон шаҳрида аҳоли соғлигини тиклаш, репродуктив саломатлик даражасини кўтариш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Янги поликлиника

Бунга мисол тариқасида яқинда фойдаланишга топширилган кўп тармоқли янги поликлиника мажмуини кўрсатиш мумкин. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу тиббиёт муассасаси ҳар куни юздан зиёд беморга кундузги стационар хизмати кўрсата олади.

— Мазкур поликлиниканинг очилиши нафақат аҳолига қулай тиббий хизмат кўрсатиш, шарт-шароит яратиш, балки кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини ҳам берди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Юсуф Маликов. — Ҳозирда мажмуада жами 100 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 09-10.11. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	17°C	19°C
Самарқанд	14°C	19°C
Нукус	14°C	19°C
Қарши	20°C	25°C
Урганч	14°C	19°C
Навоий	17°C	22°C
Фарғона	14°C	19°C
Бухоро	17°C	19°C
Андижон	14°C	19°C
Наманган	14°C	19°C
Термиз	20°C	25°C
Жиззах	14°C	19°C
Гулистон	14°C	19°C
Тошкент вил.	14°C	19°C
Лондон	11°C	9°C
Париж	8°C	9°C
Москва	6°C	3°C
Мадрид	9°C	8°C
Пекин	10°C	9°C
Гонгконг	14°C	16°C
Рим	11°C	10°C
Анқара	8°C	11°C
Токио	10°C	12°C
Стокгольм	6°C	4°C
Кейптаун	15°C	14°C
Қоҳира	13°C	12°C
Гавана	21°C	20°C
Вашингтон	8°C	10°C

МУАММО АНИҚ, ЕЧИМИ-ЧИ?

Ёки ЎзЛиДеП зиммасидаги вазифани бажариш ўрнига, сунъий баҳсга берилаётгани ҳақида

«Нима учун O'zLiDeP фаоллари — менинг партиядошларим мавзуни чуқурроқ таҳлил қилмасдан, шошқалоқлик билан, бир ёқлама фикр юритади? Тан олиш керак, фарзандларимизни хорижнинг олди-қочди қўғирчоқ қаҳрамонлари «тарбия»лаяпти. Шундай экан, қўйилаётган савол аниқ ва жиддий: миллий руҳдаги ва қиёфадаги қўғирчоқ-ўйинчоқлар ишлаб чиқара оламизми, йўқми? Бу саволга ким жавоб беради?..»

→3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 9 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1646,87	1 Миср фунти	285,24	1 СДР	2582,30	10 Жанубий Корея вони	14,63
1 Англия фунт стерлинги	2626,55	1 Канада доллари	1625,37	1 Туркия лираси	1161,28	10 Япония иенаси	200,67
1 БАА дирҳами	443,62	1 Хитой юани	244,42	1 Швейцария франки	1690,29	1 Россия рубли	52,95
1 АҚШ доллари	1629,27	1 Малайзия рингити	527,36	1 Евро	2287,89	1 Украина гривнаси	205,72

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPOTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

II. Банк-молия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш

Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари жами капиталининг жорий йил бошига нисбатан 18,2 фоиз ўсишини таъминлади. Аҳолининг банклар ва кредит уюшмаларидаги депозитлари 41,9 фоиз ошди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридаги муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 86,9 фоизни ташкил қилди.

Капиталлашув даражаси ва ресурс базасини янада ошириш банк тизимининг жами активларини жорий йил бошидан буён 28,1 фоиз ўсишини таъминлади, шунингдек, кредит қўйилмалари қолдиқларини 32,8 фоиз ошишига ёрдам берди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2009 йилнинг шу даврига қараганда 2,5 миллион донага кўпайди ва 7,5 миллионтага етди, ўрнатилган терминаллар эса 23,4 мингтага кўпайиб, 65 мингтани ташкил қилди. Натижада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 2,5 баравар ошди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айланма капиталини тўлдириш учун 275,5 миллиард сўм ҳажмида ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баравар кўп кредит маблағлари ажратилди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йилнинг 30 августидаги шарҳида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш прогнозини «барқарор», деб баҳолади. Мазкур баҳо глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарорлигини, уларнинг активлари сифати мустаҳкамлигини ва капиталлашув даражаси ошганини кўрсатади.

«Мудис» агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳукумати тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқармоқда. Ҳукумат банклар капиталини кўпайтириш билан бир қаторда, улар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштирмоқда ва бу, ўз навбатида, банклар ликвидлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молия бозорларидаги жараёнлар Ўзбекистон банклари учун жиддий хавфни юзага келтира олмаслиги, ликвидликнинг асосий кўрсаткичлари келгусида ҳам ўзгармаслиги ва ҳар қандай кутилмаган сарф-харажатлар ликвид маблағлар ёки тартибга солувчи ҳокимият органларини қўллаб-қувватлаши ҳисобидан осон қопланиши мумкинлиги таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги ҳақидаги фикрини яна бир нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — «Стандарт энд Пурс» ҳам маъқуллайди. Ушбу агентлик Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига унчалик қаттиқ боғланмаганлиги ва уларнинг МДҲнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги Ўзбекистон банк тизимини глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилганини қайд этди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимизнинг тўртта тижорат банкининг кредит рейтинги тасдиқланди.

III. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини давом эттириш

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида енгил саноат (118,4 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (114,1 фоиз), кимё (113,7 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (109,9 фоиз) юқори суръатда ривожланди. Электр энергетика соҳаси, қора ва рангли металлургия саноатининг барқарор ишлаши таъминланди.

2010 йилнинг ўтган даврида калий ўғити, бикарбонат натрий, калий нитрати, энергия тежовчи лампочкалар, «Spark» русумидаги енгил автомобиль, «CLAAS» тракторлари ва комбайнлари, турли доривор препаратлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 990 лойиҳа бўйича қиймати 4,2 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштирилган 47 турдаги янги маҳсулот экспорт қилинди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравар ошди. Натижада республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,9 фоиз ўрнига 17,6 фоизни ташкил қилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 2,7 миллиард долларни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида технологик ускуналар, хомашё ҳамда материаллар харид қилиш учун 775,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,3 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 14,8 фоиз ўсди. Газламалар, трикотаж буюмлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, галантерея ва хўжалик товарлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, ясси экранли телевизорлар, янги турдаги маиший кимё воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида машина ва ускуналар (2 баравар), озиқ-овқат товарлари (1,9 баравар), қора ва рангли металлар (1,5 баравар), хизматлар (1,2 баравар) экспорти ҳажмининг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган самарали чоралар жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар сонининг 3,1 фоиз кўпайишига хизмат қилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир, жумладан, 418,2 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,6 баравар ошди.

Натижада 2010 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,5, саноатда 18,7, бандлик соҳасида 74,4 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 124,1 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 11,2 фоиз, шу жумладан, молиявий хизматлар 22,6, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 14,8, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари 27,8 фоиз ўсди. Натижада ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,6 фоизга етди. 1295 чакана савдо объекти, 296 умумий овқатланиш объекти ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича 2,1 мингдан ортиқ объектнинг ишга туширилиши ҳисобидан шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда 93,6 минг иш ўрни ташкил қилинди.

IV. Фаол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш

Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажми 10,8 триллион сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархларда 8,1 фоиз ўсди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз кўпайди ва 1,8 миллиард долларни ташкил этди.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён 867 ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат саноатида 293, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 237, енгил саноатда 126, ёғочни қайта ишлаш саноатида 39 ва машинасозликда 10 объект фойдаланишга топширилди.

Техник модернизация қилиш дастури доирасида 156 йирик инвестиция лойиҳаси, жумладан, 50 мингта «Spark» М300 енгил автомобили ишлаб чиқариш, Евро-4 стандартига жавоб берадиган «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, капсулаланган автомобиль ойналарини, Деҳқонобод калий ўғитлари заводида 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқариш, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини гранулалаштириш жараёнини жорий этиш, янги турдаги замонавий электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида асфальт заводи ва замонавий қурилиш-йўл ускуналари, Наманган вилоятида ипгазлама полотноси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятида табиий чармни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, 9 пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди.

2010 йилнинг тўққиз ойида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича 305,5 миллиард сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп ҳажмда ишлар бажарилди.

191 километрлик халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 41 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти, жумладан, тиббий ва авария ёрдами кўрсатиш, автомобиль техникасини таъмирлаш, санитария ва гигиена пунктлари, кемпинглар, мотеллар, меҳмонхоналар ва кўп тармоқли ёқилғи қуйиш станциялари қурилиши якунланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2009-2013 йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш комплекс дастурлари лойиҳалари бўйича 232 миллион доллар эквивалентидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

«Навоий» халқаро аэропорти орқали 5 янги йўналиш бўйича Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А-300 самолётларида юк ташиш бўйича мунтазам халқаро авиақатновлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида «Навоий» халқаро аэропорти орқали 18,5 минг тонна юк ташилди ва юк ташиш бўйича 674 рейс амалга оширилди ҳамда ўтган йилнинг шу даврига қараганда 3 баравар ортди. Ангрен шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали шу йилнинг тўққиз ойида 3,1 миллион тоннадан ортиқ юк ташилди.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ)ни жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга оладиган 400 мингта замонавий маиший прибор ўрнатилди. Қўқон ва Андижон шаҳарларида абонентларга карточка орқали олдиндан ҳақ тўлаш тизимига эга электр энергиясини ҳисобга оладиган маиший приборларни ўрнатиш бўйича тажриба лойиҳалари жорий қилинди, 380 хўжалик субъектида электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг локал тармоғи ишга туширилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 107 мелиорация объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 401,2 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 109,5 километрлик ёпиқ дренаж тармоқлари, 4 мелиорация насос станцияси, 144 мелиорация ва 200 кузатув қудуқлари, битта гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Узунлиги 11,3 минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи тозаланди ва бу 240 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

V. Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг амалга оширилиши

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қуриш доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида 3597 уй-жой фойдаланишга топширилди, қиймати 366,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Ўтган даврда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, жумладан, том ёпиш материаллари, гипсокартон буюмлари, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғиладиган конструкциялар ишлаб чиқарадиган 198 янги корхона, шунингдек, йилига 232 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 42 ғишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг уй-жой қуришга жалб қилинган маблағлари 1,7 баравар ошди.

Умуман, мамлакатимизда 7150,1 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, қишлоқ жойларда 5079,1 минг квадрат метр турар-жой, шунингдек, 1965,8 километрлик, қишлоқ жойларда 1298,1 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

VI. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш

Аҳолини асосий озиқ-овқат турлари билан барқарор таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 288,5 гектар майдонда муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда енгил конструкцияли 645 иссиқхона, шунингдек, замонавий мини-технологиялар билан жиҳозланган 135 қайта ишлаш, жумладан, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган 29, гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 41 ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 65 корхона қурилди.

2010 йилнинг тўққиз ойида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 8055 бош қорамол белгиланган ва 131 зооветеринария ва сигирларни сунъий урчитиш бўйича 128 шохобча ташкил қилинди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 34,7 миллиард сўм ажратилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8893,4 минг бошга етди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоиз, паррандалар сони эса 18,2 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг ошиши натижасида ўтган йилнинг шу даврига қараганда сабзавотлар етиштириш ҳажми 7,8 фоиз, картошка етиштириш 10,3 фоиз, полиз экинлари етиштириш 11,6 фоиз, мевалар етиштириш 10,8 фоиз, узум етиштириш 9,1 фоиз, гўшт етиштириш 6,8 фоиз, сут етиштириш 6,7 фоиз ва тухум етиштириш 13,2 фоиз кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

418,1 минг тонна мева-сабзавот, жумладан, 204,4 минг тонна сабзавот, 62,3 минг тонна полиз экинлари, 90,5 минг тонна мева ва 61 минг тонна узум экспорт қилинди.

VII. Аҳоли бандлиги ва ҳаёт сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми — 503 мингтаси (64,1 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 253 мингтаси (32,2 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнесда бандлик даражасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиниши белгиланган.

Касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорида амалга оширилган фаол чора-тадбирлар самарасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қўшимча 2,7 фоизга ошди ва 11,6 миллион нафардан ортиқ кишини ташкил қилди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (106,5 фоиз), уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,4 фоиз), транспорт ва алоқа (104,8 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (104,8 фоиз) соҳаларида кузатилмоқда.

2010 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақланди ва ҳисобот даврининг охирги ойида ушбу кўрсаткич 553,8 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 фоиз кўпдир.

Ўтган давр мобайнида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир изчил ишлар амалга оширилди. Бу борада кўрилган чоралар натижасида таълим муассасаларининг 453,4 минг нафар битирувчиси ва ёшлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.

Ёшларнинг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш борасида ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 90 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди, 2320 кам таъминланган оилага тўй ҳамда оилавий тантаналарни ўтказишда ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган «ўзбек модели» ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши 2010 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

■ Депутатнинг иши, фаолиятининг самараси қандай мезон билан ўлчанади? Хусусан, бугун депутатлик гуруҳлари зиммасига қандай масъулият ва вазифалар юкланган? Ҳар бир депутат ўзига ана шу саволларни бериши керак.

Халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгашида 30 нафар депутат фаолият юритади. Шундан 14 нафари ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва қатъийлик зарур

— дейди халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Жўра Маманов

— Чироқчи — ҳудуди катта, аҳолиси кўп туманлардан бири, — дейди Жўра Маманов. — Сўнгги йилларда туманда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, бу ерда партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таклиф-истакларини туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиш борасида қилиниши зарур бўлган қатор ишлар бор. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш гуруҳ аъзоларидан изчил ҳаракат талаб этади.

Эл-юрт олдида юз ёруғ бўлиши учун ҳар бир депутат ўз имкониятини тўлиқ ишга солиши зарур.

Бироқ очиғини айтиш керак, гуруҳ ишини талаб даражасида ташкил қилиш қийин кечаяпти. Туман Кенгашининг Бюджет, иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияга раҳбарлик қиламан. Шу боис, бу борадаги камчиликларга тез-тез рўбарў келаман. Шу йилнинг ўтган даврида бир неча йиғилиш ўтказдик. Гарчи таклиф қилинган бўлса-да, баъзи ташкилот раҳбарлари, масалан, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бўлимининг мутаассаддилари ушда қатнашишга рўйхушлик беришмайди. Айрим ташкилотлар эса кўрилаётган масаланинг ечими бўйича жўяли таклиф айтолмайдиган, тажрибасиз вакилларини юборишади. Оқибатда муҳокама этилаётган масаланинг ўрганилиши, бу борада ишлаб чиқилган таклифлар юзаки бўлиб қолаяпти. Менимча, депутатга берилган қонуний ваколатлар, қоларверса, унинг жамиятдаги вазифаларидан келиб чиқиб, кўтарилаётган масалалар ечими бўйича бевосита масъул бўлган раҳбарлар, тажрибали мутахассислар билан кўпроқ ишлашимиз зарур. Шу боис, халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида бу масалани депутатлик гуруҳи номидан муҳокамага қўймоқчимиз. Чунки депутат ишининг самараси бошқа масъул ташкилотлар фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ.

— Шу ўринда яна бир масалани айтиш лозим, — дейди Чироқчи туман партия кенгаши раиси Шоназар Жовлиев. — Партиявий йиғилишларга юзаки қараб, мунтазам қатнашмаётган айрим депутатларимиз ҳам бор, уларнинг депутатлик фаоллигини ошириш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Ачинарлиси, айрим депутатларнинг сайловчилар билан учрашув тартиби ҳалигача тўғри ташкил этилмаган. Шу сабабли депутатлик гуруҳининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун туман партия кенгашида тегишли тавсиялар ишлаб чиқаяпмиз. Депутатнинг ташаббус кўрсатиб ишлаши партиямизнинг обрўси учун ниҳоятда муҳим. Бунинг учун депутатларимиз зиммасидаги вазифаларни тўғри англаши лозим. Депутатнинг шахсий намунаси, интилиши ва ташаббускорлиги гуруҳ ишини жонлантиришда асосий омил ҳисобланади.

Жўра Маманов шу кунгача ўнлаб масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга мурожаат қилди. Унинг ташаббуси билан маҳаллий бюджетнинг ижросини таъминлаш масаласи мониторинг қилинди. Унинг натижаларига бағишланган йиғилишда туман ҳокими иштирок этиб, депутатлар ва мутахассислар ўртасида ўзаро фикр алмашилди.

Депутат туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига қилган мурожаатида Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши, хусусан, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида фикр алмашиш кўзда тутилган, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими ҳам юқоридаги масала юзасидан ахборот бериши сўралган эди. Ҳеч кимга сир эмас, жонкуярлик ва амалий таклиф бор жойда шунга яраша натижа бўлади. Депутат мурожаатларининг аксарияти бўйича мутахассислар билан фикр алмашилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Йил бошида «Чиял» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Зум» қишлоғида халқ сайиллларини ўтказиш учун 1,5 гектар ер ажратиш ва бу ҳудудда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни сўраб, шу ерлик аҳоли Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилди. Шу асосда Жўра Маманов туман ҳокимлиги ер тузиш бўлими раҳбарлари олдига бу масалани қўйди. Унинг натижаси учун доимий изланишда бўлди. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли қишлоқ аҳолисининг орзуси ушалди.

— Ишимизда камчиликлар бор, албатта, — дейди депутат. — Ҳали барча депутатлар ўз имкониятларини тўлиқ ишга солган эмас. Бироқ бирлашган ўзар, дейдилар. Ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, натижа юқори бўлишини кўпчилик тушуна бошлади.

Хўш, депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамкор ишлай олмаётганининг сабаби нимада? Аввало, депутатлар турли соҳа вакиллари бўлгани учун вақти-вақти билан тўплаш, гуруҳ бўлиб ишлаш қўникмасини шакллантириш қийин кечаяпти. Айрим депутатлар, тан олиш керак, ўзига берилган қонуний ваколатлардан хабардор эмас. Албатта, бундай депутатлар бирор ташаббус билан чиқса, унинг натижаси кўпроқ ўзига, унинг қатъийлиги ва сиёсий билимига боғлиқ эканини тўғри англаб етмаган. Шунинг учун айрим депутатлар керак пайтда электорат манфаати билан боғлиқ муаммоларга ечим излашда шарт-шароитдан келиб чиқиб, аниқ таклиф билдира олмаяпти.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш, хусусан, касаначиликни ривожлантириш — муҳим жараён. Аммо бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунда депутатнинг ўз ўрни ва масъулияти бор. Депутат мутасадди ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, айниқса, жамоатчи ва фаоллар билан ҳамкорликни шакллантириши керак бўлади.

Айни пайтда гуруҳ аъзолари билан ишни замон талаб қилганидек, янгича услубда ташкил этиш учун жиддий ишланаяпти. Режага кўра «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг бажарилиши, бундан ташқари, Президентимизнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан тегишли идоралар, туман ҳокимлигининг ахборотини эшитиш кўзда тутилган.

Депутат — жамиятнинг ўзига хос кўзгуси. Жамиятнинг янада ривожланиши, тараққий топиши кўп жиҳатдан депутатнинг амалий иши, ташаббуси, энг муҳими, қатъийлигига боғлиқ. Бунинг учун депутат ваколат ва қонуний вазифаларини чуқур англаши, мутасадди ташкилотлар ва ижтимоий институтлар билан зарур ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

МУАММО АНИҚ, ЕЧИМИ-ЧИ?

Ёки ЎзЛиДеП зиммасидаги вазифани бажариш ўрнига, сунъий баҳсга берилаётгани ҳақида

■ Ҳамма ҳам фарзандининг ўсиб-улғайиб, комил инсон бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Аммо тарбиянинг қатор шартлари бор. Шулардан бири — гўдак масъум ёшида қандай ўйинчоқ ўйнаб, қандай қўғирчоқлар ва қаҳрамонлар таъсирида катта бўлишига боғлиқ.

Чунки ўйинчоқ бола руҳиятига, демак, унинг тарбиясига таъсир этади. Шу боис, болаларимиз онги ва қалбида миллий қадриятларни камол топтиришга хизмат қиладиган ўйинчоқ ва қўғирчоқ масаласига жиддий қарамоқ талаб этилади. Мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда шундай деган эди: «Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир...»

«Миллий тикланиш» демократик партияси нашри «Миллий тикланиш» газетасининг 30 июнь сонида «Масъулият ва бурч» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда бозорларимизда сотилаётган, аксарияти хорижда ишлаб чиқилган ўйинчоқ ва қўғирчоқлар эстетик ва гигиеник талабларга жавоб бермаслиги, шу боис миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган қўғирчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозимлиги, аммо бу масалага Ўзбекистон Либерал-демократик партияси етарли эътибор бермаётгани таъкидланган. Мақолада, хусусан, шундай дейилган: «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам бу масалага миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб эътибор қаратса... айни муддао бўлар эди».

O'zLiDeP муассислигидаги «XXI asr» газетасининг 8 июль сонида унга жавоб тариқасида «Ўзига-ўзи қарши чиқаётганлар кимлар?» деган мақола чоп этилди. Унда «Миллий тикланиш» газетасидаги мақола умумий фикрларга асосланганги, муаммо чуқур ўрганилмай, асосан, ман қилиш йўлидан борилгани таъкидланган. Энг ачинарлиси, «Миллий тикланиш»даги мақолага нисбатан шундай дейилади: «Ўз фаолиятининг устувор жиҳатлари, дея эълон қилинган масалани бошқа партия зиммасига юклашга уриниш оддий ўқувчи учун ҳам бир мунча тушунарсиздек туюлиши мумкин».(?!)

Бизнингча, либералларнинг ўзлари масала моҳиятини англамаган кўринади. Бу ерда хориждан қиммат нархда ёки сифатсиз қўғирчоқлар олиб келишдан кўра, ўзимизда, миллий қадриятларимизга хос ва мос қўғирчоқлар ишлаб чиқариш масаласи ҳақида гап бораяпти.

«Ўзбекистон овози»да ҳам икки йил илгари бу мавзуда мақола чоп этилган эди. Биз «Миллий тикланиш» партиясининг миллий қадриятлар тўғрисидаги позициясини қўллаган ҳолда бундай сифатсиз, болалар соғлиғига зиён етказадиган, айни чоғда қиммат-баҳо қўғирчоқлар ЎзХДП электорати манфаатига ҳам зиддигидан келиб чиқиб, масалага янада чуқурроқ ёндашишни лозим топдик.

Маълумотларга кўра, 2009 йили мамлакатимизда 393,2 миллион сўмлик болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсатгич республикамизда умумий халқ истеъмоли товарлари туркумига киручи ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг 0,01 фоизини ташкил қилади.

Болалар ўйинчоқларига бўлган эҳтиёжни ўзимизда ишлаб чиқилаётган маҳсулот ҳисобига қондириш даражаси 1 фоизга ҳам етмаган.

Муаммо аниқ-равшан. Уни инкор этиб бўлмайди. Масалани кўтариш, ечимини топиш эса бошқалардан кўра кўпроқ тадбиркорлик ва ишбилармонлик масалалари билан шуғулланаётган, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшишни бош мақсад сифатида зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Лекин O'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Холмуротованинг бир ёқлама фикри мазкур масалани ўрганишда депутат томонидан муносиб изланиш ва тадқиқ олиб борилмаганини кўрсатади.

Мамлакатимизда болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш долзарб бўлиб турган бир вақтда бу масалага енгил-елпи қараш, холис хулоса ва масъулиятдан қочиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз.

Хўш, ўзимизда бу соҳани ривожлантириш имконияти қандай? Ўйинчоқ ишлаб чиқариш учун зарур хомашё етарлими, замонавий технология асосида кичик корхоналар қуришга нима халақит бераяпти?

Анвархўжа СОАТОВ, болалар учун турли ўйинчоқ ва ўйингоҳ асбоб-анжомлари ишлаб чиқарадиган «NURNODIRBEK» хусусий корхонаси раҳбари:

— Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш учун ҳам ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Замонавий ўйинчоқсозлик саноатида асосий хомашё ҳисобланадиган пластмасса ва пенопласт ҳам ўзимизда етарли. Чунки бу турдаги хомашё асосан нефть-газ саноатидан олинади.

Бироқ технология масаласида муаммолар бор. Ҳозир бизда мавжуд технология замонавий талабга жавоб бермайди. Биринчидан, ускуналар ўз даврини ўтаб бўлган, иккинчидан, эски технология асосида ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар маънавий жиҳатдан эскирган. Ҳозир, айтайлик, «Ваз-2106» русумли автомобилнинг ўйинчоқ нусхасини ишлаб чиқариш билан харидорнинг эътиборини тортиб бўлмайди. Агар гап автомобиль ўйинчоқ нусхасини ишлаб чиқариш ҳақида кетса, бугун «Nexia», «Matiz», «Lacetti», «Epica», «Spark» каби автомобилларнинг ўйинчоқ нусхаларини ишлаб чиқариш керак бўлади.

Бу йўналишдаги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос нозик томони шундаки, хориждан махсус технология олиб келинса-да, ишлаб чиқариладиган қўғирчоқнинг маънавий қиёфаси миллий талаблар даражасида бўлмай қолаверади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш лозим.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида тиббий ва тарбиявий меъёрларга жавоб бермайдиган болалар ўйинчоқларининг ички бозорларда кўпайиб кетаётгани хавотир билан тилга олинмоқда. Маълумотларга кўра, Россия бозорларидаги сифат жиҳатдан яроқсиз деб топилган ўйинчоқларнинг 90 фоизи Хитойда ишлаб чиқарилган. Германияда бу кўрсатгич 75 фоизни ташкил қилади. Пластмасса ва резинадан ўйинчоқ ишлаб чиқариш саноати тобора «гуркираб» ривожланмоқда, оқибатда вақт ўтган сайин ўйинчоқлар таркибида болалар соғлигига жиддий хавфи бўлган янгидан-янги зарарли моддалар пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи доирасида болалар ўйинчоқларига хавфли кимёвий моддаларни қўшиш меъёрларининг эскиргани бот-бот таъкидланмоқда.

Пластмасса ва резина ўйинчоқларнинг эгилувчанлигини ошириш учун уларга пластификатор қўшилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пластификаторни ўйинчоқ таркибига меъёридан ортиқ, яъни истаганча қўшиш ҳоллари авж олмоқда.

Тошкент шаҳар Санитария-эпидемология маркази санитария-гигиена лабораторияси врач-токсикологи Муяссар Ҳакимжонованинг таъкидлашича, бозорларимизда сотувда бўлган, сифати меъёрлаштирилмаган ўйинчоқлар таркибида бўладиган пластификатор, формальдегид, дибутилфталат, фенол, феноксил, изобитурат каби зарарли кимёвий моддалар куммилятив, яъни организмда тўпланиб қолиш хусусиятига эга. Улар вақт ўтиши билан боланинг мия фаолияти тизимига салбий таъсир кўрсата бошлайди.

— Сифатсиз ўйинчоқлар болалар соғлигига жиддий хавф етказади, — дейди **Давлат божхона қўмитасининг Марказий божхона лабораторияси бош инспектори, эксперт Нодир АЗИМОВ.** — Бунда болалар ўйинчоқларининг кимёвий таркибига эътибор бериш лозим. Масалан, ўйинчоқдан ўткир кимёвий ҳид таралмаслиги керак. Бу — ўйинчоқ ишлаб чиқаришда сифатсиз хомашёдан фойдаланилганини англатади. Юмшоқ ўйинчоқлар эса асосан кимёвий-синтетик толалардан тайёрланади. Ўйинчоқлар мустаҳкам бириктирилмаган ҳолатларда уларнинг майда бўлакларини болакайлар ютиб юбориши мумкин.

Ўйинчоқнинг ранги унинг хавф даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўйинчоқларнинг нотабиий, жуда ҳам ёрқин ва тўқ тусда бўлиши уларда таркиби заҳарли кимёвий элементларга бой бўёқлар ишлатилганини англатади. Кадмий ва кўрғошин тузлари каби оғир металларни ўз таркибига олган бўёқлар эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бўёқ таркибида учрайдиган формальдегид, фенол, феноксил, метил, изобитурат каби заҳарли моддаларнинг даражаси баъзида 30 фоизгача етади. Бу эса асло мумкин эмас. Бу каби нохушликлар кичик ёшдаги болакайлар ўйинчоқларида жуда кўп учрайди. Табиийки, бола унинг рангига қизиқиб, мазасини татиб кўргиси келади. Оқибатда заҳарли моддалар жигар, ошқозон-ичак, буйрак йўлларига тушади ва ҳали тўла шаклланмаган организмга секин-аста салбий таъсир кўрсата бошлайди. Бу турдаги ўйинчоқлар, энг аввало, бола руҳияти ва кўриш қобилиятига жиддий салбий таъсир қилади. Яроқсиз ўйинчоқлар болада кўнгил айниши, кўз остининг кўкариши, ланжлик ва сустликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, «Жайҳун» қўғирчоқ театри бадиий раҳбари, қўғирчоқсоз уста Мансур ҚУРЯЗОВ:

— Неча асрлардан бери сақланиб келаётган миллий қўғирчоқсозлик санъатига янада сайқал ва маъно бераётган юртимиздаги уста-ҳунармандлар асосан хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. Қўғирчоқсоз усталар маҳаллий технология асосида тайёрлаган қўғирчоқларга Франция, Бельгия, Япония ва бошқа давлатлардаги музей экспонатлари қаторидан кенг ўрин ажратилган. Аммо ўзбекона мана шу қўғирчоқларга ўзимиздаги дўконлардан жой топилмайди.

Ҳолбуки, Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари учун махсус «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурини қабул қилган. Унга кўра, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини асосан миллий эртаклар билан таништириш, яъни шу руҳда тарбиялаш кўзда тутилган. Биласиз, 4-5 яшар болага эртак айтиб берсангиз, кўп ҳам қабул қилавермаслиги мумкин. Бу ўз-ўзидан боғчаларни миллий эртак қаҳрамонлари ифода этилган қўғирчоқлар билан таъминлашни тақозо этади. Фақат мана шу йўл билан мавжуд 6000 дан зиёд мактабгача таълим муассасасига жалб қилинган болаларни миллий руҳда самарали тарбиялаш мумкин.

Ушбу мавзу юзасидан фикр айтаётган ЎзЛиДеП вакиллари бу соҳадаги ҳақиқий аҳволдан бехабарга ўхшайди.

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати O'zLiDeP аъзоси бўлсам-да, миллий қўғирчоқ ишлаб чиқарувчи тадбиркор сифатидаги фаолиятим партия томонидан қўллаб-қувватлангани йўқ, — дейди хоразмлик Мансур Қурязов гапида давом этиб. — Ўтган йили «Ташаббус — 2009» танловида иштирок этиш жараёнида партиянинг Марказий кенгашига бориб, ҳатто маънавий кўмак ололмаган эдим. Ўйлаб қоламан, нима учун O'zLiDeP фаоллари — менинг партиядошларим мавзуни чуқурроқ таҳлил қилмасдан, шошқалоқлик билан, бир ёқлама фикр юритади? Тан олиш керак, фарзандларимизни хорижнинг олди-қочди қўғирчоқ қаҳрамонлари «тарбия»лаяпти. Шундай экан, қўйиладиган савол аниқ ва жиддий: миллий руҳдаги ва қиёфадаги қўғирчоқ-ўйинчоқлар ишлаб чиқара оламизми, йўқми? Бу саволга ким жавоб беради?..

Менимча, тиббий ва тарбиявий меъёрлари синалган миллий қўғирчоқларни тезроқ оммалаштириш учун жойларда фаолият юритаётган маҳаллий қўғирчоқсоз усталар меҳнатига астойдил эътибор бериш керак. Чунки ҳозир катта завод-фабрика қурмай, кичик корхоналарни кўпайтириш ҳисобига масалани ҳал этса бўлади.

Хонқа туманида кичик цехимиз бор. Унда 4 нафар шогирдим билан ойига мингга яқин қўғирчоқ ишлаб чиқараяпмиз. Етарли маблағ бўлса, мактабгача таълим муассасаларига миллий қўғирчоқ харид қилиш ишлари яхшироқ йўлга қўйилса, бу кўрсатгични 4-5 мингтагача етказиш мумкин...

Давлат божхона қўмитасидан маълум қилинишича, 2009 йил ва 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизга болалар ўйинчоқлари асосан Хитой Халқ Республикаси (95,6 фоиз), шунингдек, Туркия, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардан олиб келинган. 2009 йил давомида болалар ўйинчоқлари йиллик умумий импорт қийматининг 0,02 фоизини, 2010 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида бу кўрсатгич 0,03 фоизни ташкил қилган.

Мамлакатимизга болалар ўйинчоқларини олиб кириш қонун билан тақиқланмаган. Аммо O'zLiDeP электоратининг айрим вакиллари мутлақо ноқонуний йўллар билан, бунинг устига сифатсиз маҳсулотларни олиб келиш, давлат хазинасига тегишли тўловлардан бўйин товлаш билан шуғулланмоқда. Уларнинг бу хатти-ҳаракати болалар соғлиги ва маънавий тарбиясига етказаётган зарар кўламини, афсуски, рақамлар билан кўрсатиб бўлмайди.

Бир қизиқ ҳолат: мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўз кучи, билими, маҳорати туфайли хайрли ишларни амалга ошираётган, янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорларнинг меҳнатини, ютуғини O'zLiDeP ўзиники қилиб кўрсатишни хуш кўради. Бироқ қинғир йўлни танлаган «тадбиркор»лар билан ишлаш, уларни тартиб ва инсофга чақиришга келганда масъулиятни зиммасига олишни истамайди. Масалага холис ёндашиб, хулоса чиқариш ўрнига, баланд-парвоз, юзаки гаплар билан ўзини ҳимоя қилишга киришади.

Муаммо ечими бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қўғирчоқсоз усталар ҳунармандлар тайёрлаётган қўғирчоқлар асосан қўл меҳнати орқали юзага келади. Бу, маҳсулотнинг пишиқ ва пухталигига хизмат қилса-да, иш унумдорлиги юқори бўлмайди. Миллий қўғирчоқ ишлаб чиқаришни қўл меҳнатидан саноат йўналишига ўтказиш талаб этилмоқда.

Шу маънода, санитар-гигиеник жиҳатдан тоза хомашёдан тайёрлаб келинган анъанавий қўғирчоқ-ўйинчоқларимиздаги тарбиявий тажриба билан замонавий техника имкониятлари уйғунлаштирилса, айни муддао бўлади.

Фатхулла ХЎЖАЕВ, Республика қўғирчоқ театри актёри:

— Қўғирчоқлар ишлаб чиқаришда унинг тарбиявий жиҳатига бефарқ қараш асло мумкин эмас. Миллионлаб фарзандларимиз қўлига қўғирчоқ тутқазамиз, уларнинг кўнглини шод этамиз. Аммо ўйлаб кўрганмизми ҳеч, хўш, бу қўғирчоқда қандай қаҳрамон ифодаланган? У мурғак гўдак қалбида қандай туйғуларни уйғотади? Қўғирчоқнинг мазмун-моҳиятида шахсни тарбиялай оладиган маънавий-руҳий юк бўлиши зарур. Шу боис, намунали қўғирчоқ образини танлаш ўта муҳим. Бунинг учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўғирчоқсоз усталарнинг асарлари каталогини ишлаб чиқиш лозим.

Менимча, шу асно яна бир муаммога дуч келинади. Бу — болаларга бирдек манзур бўладиган замонавий миллий қаҳрамон образини яратиш масаласидир. Республикамизда 9 та қўғирчоқ театри бўлса, уларнинг репертуарларида ижтимоий идеал даражага кўтарилган замонавий миллий қаҳрамон деярли йўқ.

Бу маҳаллий саноатда ишлаб чиқариш учун замонавий миллий қўғирчоқ намуналарини яратиш билан бевосита боғлиқ. Маълумки, бу борада қўғирчоқ театрлари тажриба мактаби вазифасини бажарган бўлар эди...

Мамлакатимизда ҳар йили 700 мингдан ортиқ чақалоқ дунёга келади. Қўғирчоқ ўйнаш ёшидаги болалар сони 4,3 миллиондан зиёд. Болаларнинг қизиқишларига мос миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқ ишлаб чиқариш ҳаёт талаби. Фақат ЎзЛиДеП вакиллари қуруқ баҳсга берилмай, амалий ишга, ташаббус кўрсатишга ўтиши зарур, деб ўйлаймиз.

Биз ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек юксак ва эзгу мақсадни кўзлаганмиз. Бу борада болалар ўйинчоқлари ва қўғирчоқлар қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур. Агар либераллар чуқурроқ ўйлаб кўришса, бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш талаб даражасида йўлга қўйилса, иқтисодиётимиз ҳам катта фойда кўради. Уларнинг таннархи арзон бўлади ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами фарзандлари учун турли ўйинчоқлар сотиб олиш имкони кенгаяди.

Сиз билан биз эса фарзандларимиз олдидаги бир қарзимизни узган бўламиз...

Беҳзод ШУКУРОВ,
Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Хорижда

Коинотга парвоз

яна қолдирилди

■ Американинг Аэронавтика ва фазовий кенгликларни тадқиқ қилиш миллий агентлиги (NASA) кўп марта фойдаланиладиган «Discovery» шаттлининг Ер орбитасида ўн йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият юритаётган Халқаро космик станцияга парвозини тўртинчи бор қолдирди.

«Discovery» парвози дастлаб 1 ноябрга белгиланган эди. Аммо техник носозлик боис парвоз 3 ноябрга қодирилди. Сўнг бу кун ҳам парвоз учун номақбул келди: электр таъминотидаги носозлик парвоз кейинги кунга қолдирилишига сабаб бўлди. 4 ноябрь куни эса об-ҳаво ноқулай келди. Шу боис парвоз 5 ноябрга режаланди. Бироқ суюқ водород ва кислород узатиш тизимидаги носозлик парвозни яна қолдиришга мажбур этди. Энди бу сафар парвоз 30 ноябргача қолдирилди.

Бу космик кемани учиришдан мақсад шуки, у Халқаро космик станцияга катта миқдорда юк олиб чиқиши керак.

У Халқаро космик станцияга туташган ҳолда 11 кун фаолият олиб боради. Бу даврда унинг экипажи аъзолари очиқ фазога икки марта чиқиши ва космик станцияни энергия билан таъминловчи захира қисмни махсус платформага ўрнатишлари лозим.

Икки давлат ўртасида

норозиликни юзага келтирди

■ «Google Maps» картография сервисида белгиланган харитага асосланиб Никарагуа армияси ҳарбий бўлинмаларидан бири ўз ҳудудимиз чегараси дея Коста-Риканинг Кариб денгизи қирғоғига яқин чегара ҳудудига жойлашганлиги ва у ерда бир неча вақтинчалик ҳарбий лагер қуриб, машғулотларни бошлаб юборганлиги икки давлат ўртасида муносабатлар совуқлашишига олиб келди.



Маълум бўлишича, дейилади «Эхо Москвы» радиостанцияси хабарида, ҳарбий бўлинма командири «Google Maps»нинг картография сервисида берилган харитадан фойдаланган экан. Бу сервисда икки давлат харитаси берилган бўлиб, давлатлар чегаралари нотўғри белгиланган экан. Бўлинма жойлашган ҳудуд «Google Maps» сервисида тасвирланганидек Никарагуанинг чегара ҳудуди эмас, балки Коста-Рикага қарашли ҳудуд экан.

Коста-Рика президенти Лаура Чинчиля миллий телевидениеда чиқиш қилиб, Никарагуа армияси бўлинмасининг Коста-Рика ҳудудига кириб жойлашишини қоралаб баёнот берди.

«Google» вакиллари эса харитада чегаралар қандай қилиб нотўғри белгиланганини тушунтириб беришолмади.

Пенсия ислоҳотига қарши

яна норозилик акцияси бўлиб ўтди

■ 27 октябрь куни Франция парламентида пенсия ёшини 60 дан 62 ёшга узайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинган бўлишига қарамай, шанба куни касаба уюшмалари аъзоларининг бутун Франция бўйлаб яна норозилик намойиши бўлиб ўтди. Мамлакат оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, навбатдаги норозилик акцияси 22 дан 26 ноябргача бўлган давр оралиғида ўтказилиши режалаштирилган.

Пенсия ёшини ўзгартириш билан боғлиқ қонун ҳозир Конституциявий кенгаш муҳокамасига тақдим этилган. У 2 декабргача кўриб чиқилиши ва қарор қабул қилиниши лозим.

Сўнг ушбу ҳужжат имзолаш учун президентга тақдим қилинади.

Таъкидлаш жоизки, сентябрь бошидан бери мамлакатда 7 марта йирик норозилик акциялари ўтказилди. Уларда 1 миллиондан 3 миллионгача киши қатнашди.

Спорт

Осиё ўйинларини ғалаба билан бошладик



■ 12 ноябрь куни Гуанжоу (Хитой)да XVI Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Унда қитъамизнинг қирқ беш давлатидан келган ўн минг нафарга яқин спортчи спортнинг қирқ икки тури бўйича медаллар учун кураш олиб боришади. Мусобақа дастуридан жой олган футбол бўйича гуруҳ баҳслари 7 ноябрь куни бошланди.

Хабарингиз бор, келаси йилдан футбол бўйича 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи саралаш баҳслари бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Ўзбекистон футбол федерацияси ушбу саралаш баҳслари олдидан футболчиларимизнинг етарли тажриба тўплашларига имконият яратиш мақсадида уларнинг Осиё ўйинларида қатнашишларига имкон берди.

Олимпиячиларимиз қуръага кўра, «Е» гуруҳида кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Гонгконг терма жамоалари билан кураш олиб боришади. Вакилларимиз дастлабки учрашувни 7 ноябрь куни Бангладеш терма жамоасига қарши ўтказди. Ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур ўйинда бангладешликлар ўз дарвозалари тўридан жавобсиз учта тўп олиб чиқишди — 3:0. Тўпларни Кенжа Тўраев, Одил Аҳмедов ҳамда Иван Нагаев киритди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашуви Гонгконг — Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари ўртасида ўтказилди — 1:1.

Олимпиячиларимиз бугун Гонгконг футболчилари билан, 11 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан ўйнайди.

Эслатиб ўтамиз, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 1994 йили Хиросима (Япония)да ўтказилган XII Осиё ўйинларида чемпион бўлганди.

Чемпионатнинг кумуш медаллари

ва «Энг яхши футболчи» соврини бизда!..

■ Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қувонарлиси, «Пахтакор» Марказий стадионида ўтган финал учрашувида Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси КХДР футболчилари билан ўйнади. Учрашувни ўсмирларимиз кўтаринки кайфиятда бошлашди, аммо кутилмаганда 31-дақиқада ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов ҳакам томонидан майдондан четлатилди. Гарчи, футболчиларимиз баҳс давомида уюшқоқликни сусайтирмаган бўлса-да, майдонда бир ўйинчи кам бўлиб тўп суриш осон кечмади.

Бундан унумли фойдаланган КХДР терма жамоаси 75-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Учрашувнинг бу зайлда давом этиши ўсмирларимизни асабийлашишга мажбур қилди ва орадан кўп ўтмай жамоа сардори Аббосбек Махситалиев ҳам ҳакам томонидан иккинчи бор огоҳлантирилиб, унга ҳам қизил карточка кўрсатилди. Бу эса КХДР футболчиларининг ўртадаги фарқни иккитага оширишлари учун қўл келди — 0:2.

— Биз фақат ғалаба иштиёқида майдонга тушгандик, — деди учрашувдан сўнг Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси етакчиси Аббосбек Махситалиев. — Аммо жамоадошимиз Сардор Раҳмоновнинг биринчи бўлимдаёқ майдондан четлатилиши ўйинимизга салбий таъсир қилди. Энг муҳими, биз мамлкатимиз ўсмирлар терма жамоалари орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Бу эса бизга келаси йили Мексикада ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон биринчилигида қатнашиш имконини берди. Энди барча эътиборимизни жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қаратамиз.

Осиё чемпионати якунида ҳамюртимиз Темур Ҳакимов мусобақанинг «Энг яхши футболчиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. У олти учрашувда чиройли ўйин кўрсатиши билан бирга рақиблар дарвозасини беш маротаба аниқ нишонга олишга муваффақ бўлди.



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

Самбочиларимиз совриндорлар сафида

■ Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси (FIAS), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика самбо федерациялари ҳамкорлигида навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг қирққа яқин давлатидан беш юз нафарга яқин самбочи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақаларнинг дастлабки кунида самбо бўйича кучлилар номига ойдинлик киритилди. Беллашувлар якунида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Шавкат Жўраев кумуш, Азамат Турданов, Шуҳрат Бобоев, Олим Худойқулов, Ўғилжон Рўзиметова, Соҳиба Эштемирова, Обида Олладўстова ҳамда Гуласал Ҳайдарова бронза медаллари билан тақдирланди.

Жанговор самбо бўйича кечган баҳслар ҳам барчанинг диққат марказида турди. Муросасиз беллашувларда ҳамюртимиз Саттор Эргашев ўз вазн тоифасида олтин, Элдор Ғуломов, Зафар Расулов кумуш, Илҳом Сотиволдиев, Алишер Тўраев, Фурқат Рўзиев, Сардор Шоврақов бронза медаллари соҳиби бўлишди. Шундай қилиб, битта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медалига сазовор бўлган самбочиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Эркин ХОЛБОБО



Талабанинг бўш вақти

билим ошириш ва ҳунар ўрганиш учун берилган имконият

■ Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси тубдан ўзгарди. Талабаларнинг яшаш шароити илгариги вақтларга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада яхшиланди. Шаҳарча ҳудудида маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари янгидан қурилди ёки реконструкция қилинди. Жумладан, талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун «Маънавият ва маърифат» маркази барпо этилди.

Ҳозир бу даргоҳда ўнга яқин турли йўналишдаги клублар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, тўгарак ва ўқув машғулотлари малакали мутахассислар томондан олиб борилади, тез-тез турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, марказда талабаёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиб, билимларини янада мустаҳкамлаши, қизиқишига мос касб-ҳунар ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилган. Биз шу ҳақда клуб аъзоларининг фикрлари билан қизиқдик.

Аббос МАНСУРОВ, Тошкент молия институти талабаси, «Медиа марказ» клуби аъзоси:

— Бугунги кунда компьютер техникасини барчамиз билишимиз зарур. Чунки у орқали ишимиз тез ва осон битади. Шу боис, унинг имкониятларини чуқурроқ ўрганишни истайман. Уч йилдан буён «Медиа марказ» компьютер тўгарагига қатнашиб келаман. Марказ замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ва зарур шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, бу ерда тўгарак, ўқув машғулотлар бепул. Ўтган вақт давомида барча дастурларда, интернет тизимида муаммосиз фойдаланишни ўргандим. Бундан ташқари, «Курс иши», «Реферат», «Мустақил иш» каби вазифаларни шу ерда компьютер ёрдамида ёзиб оламан.

Дилноза РУСТАМОВА, ЎзМУ талабаси, «Ғоявий тарғибот ва нотиқлар» клуби аъзоси:

— Нутқи равон, сўзни ўрнига қўйиб ишлатадиган кишилар билан кўпроқ суҳбатлашгим келади. Шу боис дарсдан сўнг марказнинг «Ғоявий тарғибот ва нотиқлар» клубига келаман. Бу ерда нотиқлик санъатига оид бир қанча адабиётлар билан танишиб чиқдим. Маҳорат сирларини ўрганишимда клуб етакчилари яқиндан кўмак бераяпти. Ҳозир байрам ва тадбирларда бошловчилик қиламан.

— Мақсадимиз талаба-ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, олган билимларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат, — дейди **«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Мурат АТАМУРАТОВ.** — Бу борада ўтган беш йил мобайнида катта тажриба тўпладик. Фаолиятимизни танқидий баҳолаб шунга амин бўлдикки, ҳали ишга солиш мумкин бўлган имкониятларимиз жуда кўп. Яқинда «Ижодкор ёшлар» клуби аъзоларининг шеърий ва публицистик кўринишдаги ижод намуналарини жамлаб, «Туйғулар туғёни» номли тўпламни нашрга тайёрладик. Бугунги кунда марказимизга нафақат шаҳарчамиздан, балки турли ўқув юртларидан талаба-ёшлар мурожаат қилишаяпти. Марказимизда талаба-ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиб, касб-ҳунар ўрганишга, билимларини оширишга интилаётганини кўриб, астойдил қувонаман. Шундай вақтда давлатимизнинг ёшларга ғамхўрлиги уларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омил бўлаётганини чуқур ҳис этаман. Бўш вақтида ўзини келажакка тайёрлаётган ёшларимиз жамият тараққиёти учун жон куйдирадиган фидойи инсонлар бўлишига ишонаман.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзМУ талабаси.

Содда аёллар фирибгар тузоғида

Жиноятга жазо муқаррар

■ Қоряхон Мақсудова аввал ҳам содир этган жинояти учун суднинг қора курсисида ўтирган ва 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Аммо амнистия тўғрисидаги қарорга биноан гуноҳидан ўтилиб, жазодан озод этилган.

Аммо етти нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан. Болаларига яхшиликдан ўгит бериб, уларни хушхулқ инсонлар қилиб тарбиялаш ўрнига, ўзи номақбул ишлар қилиб, одамларни фириб чангалига илинтириш билан шуғулланиб келган...

Қоряхон Мақсудова ўтган йили ёзда Китоб туманидаги Ибн Сино сиҳатгоҳига боради. Аслида, мақсади саломатлигини тиклаш, ҳордиқ чиқариш эмас, балки бу ерда дам олаётган содда аёлларни топиб, уларни алдаш бўлган. Кўпроқ қишлоқ аёллари дам олишини ва улар анча ишонувчан эканини у яхши биларди.

Унинг «тўри»га биринчи бўлиб Паландара қишлоғида яшовчи Мейлик Эсанова «илинди». Қоряхоннинг иш услуби ҳам ўзига хос бўлиб, у аввал бўлажак «ўлжаси» билан яқиндан танишиб, унинг қандай муаммолари борлигини билмагунча ўзининг ниятини ошкор этмайди. Тирик жон борки, бирон муаммоси бўлади.

Албатта, Мейлик Эсанова ҳам бундан холи эмас. Қоряхон гап орасида унга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида жуда яқин танишлари борлигини, улар айтганини сўзсиз бажаришини қистириб ўтди. У бекорга бу гапни айтмади. Чунки Мейлик Эсанова унга бир неча марта нафақаси миқдори камлигидан шикоят қилган эди. Унинг сўзларига лаққа ишонган М.Эсанова нафақаси миқдорини оширишга ёрдам беришини сўради.

— Майли, — деди фирибгар аёл, — сизга ҳурматим туфайли илтимосингизни бажараман. Эвазига 150000 сўм берасиз.

Қоряхон унинг уйига пулни олишга борганида у ерда М.Эсанованинг ўғлини кўриб қолади. Ундан ишлайсанми ёки ўқийсанми, деб сўрайди. Боланинг бирор жойда ишламаслигини билгач, М.Эсановага иккинчи «таклифи»ни билдиради. Яъни, ўғлини тиббиёт коллежига ўқишга киритиб қўйиш қўлидан келишини ва бунинг учун яна 500.000 сўм пул беришини айтади. М.Эсанова бундай «зўр» аёл билан танишганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, унинг қўлига 650000 сўм пулни қандай қилиб берганини билмай қолди. Ахир, нафақаси кўпайса, ўғли ўқишга кирса, бундан ортиқ омад бўладими?..

...У М.ЭСАНОВАГА ИККИНЧИ «ТАКЛИФИ»НИ БИЛДИРАДИ. ЯЪНИ, ЎҒЛИНИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИГА ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚЎЙИШ ҚЎЛИДАН КЕЛИШИНИ ВА БУНИНГ УЧУН ЯНА 500.000 СЎМ ПУЛ БЕРИШИНИ АЙТАДИ. М.ЭСАНОВА БУНДАЙ «ЗЎР» АЁЛ БИЛАН ТАНИШГАНИДАН ЎЗИДА ЙЎҚ ХУРСАНД БЎЛИБ, УНИНГ ҚЎЛИГА 650000 СЎМ ПУЛНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БЕРГАНИНИ БИЛМАЙ ҚОЛДИ.

Нафси ҳакалак отган бу аёл ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиради. Бу сафар у Паландара қишлоғида яшовчи Марҳабо Мавлоновани алдади. Унга ҳам ўзини Қарши шаҳридаги энг обрўли аёллардан бири эканини айтади ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида яқин танишлари ишлашини, агар у истаса, қисқа вақт ичида Мавлоновани ногиронлик нафақасига чиқариб қўйишини маълум қилди. Бундан қувониб кетган Мавлонова фирибгарга хизмат ҳақи сифатида олдиндан 650.000 сўмни ҳеч иккиланмай санаб берди.



Қоряхон эътибор бериб қараса, сиҳатгоҳда содда аёллар талайгина. Бу эса фирибгарнинг ошиғини олчи қилди. Энди Қоряхон Мақсудова Қарши шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлайман, турмуш ўртоғим вилоят ИИБда катта мансабдор, деб ўзини таништира бошлади.

Бу ёлғонлар «иш» бериб, унинг тузоғига Ҳ.Иноятова, Ш.Юлдошева каби аёллар ҳам илинди. Бири боласини ўқишга киритиш учун 600.000 сўм пул берган бўлса, бошқаси нафақага чиқиши учун фирибгар айтган пулни қўш-қўллаб тутқазади.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Қоряхон Мақсудованинг қилмишлари ошкор бўлиб, эл олдида юзи қора бўлди. Охир-оқибат жиноий ҳаракатлари учун иккинчи бор суднинг қора курсисига ўтирди.

Шу ўринда масаланинг иккинчи жиҳати ҳам кишини ўйга толдиради. Ўзи яхши танимаган одамга ўйлаб ўтирмай пул тутқазиш оқибатини, бунинг устига ноқонуний ишларга шерик бўлиб қолишни улар нега ўйлашмади? Соддаликми ё лақмаликми?

Бу воқеадан бошқалар сабоқ чиқариб олишлари зарур, деб ўйлаймиз.

Наврўз АШУРОВ, Жиноят ишлари бўйича Китоб туман суди раиси, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg`onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7648 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda